

---

## ЎЙИЛМАДА ЯНГИ БОҒЧА ОЧИЛДИ

Риштон туманида мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига жалб этиш, қамров сонини ошириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш 74 фоизни ташкил этмоқда. Тумандаги 57-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг очилиш маросими Ўйилма маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи инсонлир учун чин маънода байрамга айланди. Ушбу мактабгача таълим ташкилоти 90 ўринга мўлжалланган бўлиб, 1.750.000.000 сўм маблағ ҳисобига “Орзу таъмир қурилиш” МЧЖ томонидан янгитдан қуриб битказилди. Ҳозирги кунда 30 га яқин фуқаролар иш билан таъминланди. Мактабгача таълим ташкилотида таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Очилиш тадбирида туман ҳокими С. Солиев, туман ИИБ бошлиғи, 3-сектор раҳбари З. Ғофуров, Халқ қабулхонаси мудирини С. Додобоев, мактабгача таълим бўлими мудирини М.Дадажонова, МТБ ходимлари, МФЙ фаоллари, 43-мактаб директори, оналар иштирок этдилар.

2021-03-30 16:58:04